TSUE
TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

# LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2024 yil 3-son
Volume 9, Issue 3, 2024

MEHNAT IQTISODIYOTI
VA INSON KAPITALI
ISSN: 3030-3117



# LABORECONOMICS.UZ

## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI
*№ 3-2024*

## ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

## LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

**“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali”** ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.
**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**
100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi, 49 uy
**Elektron manzil:** ilmiymaktab@gmail.com
**Jurnal web-sayti:** www.laboreconomics.uz
**Bog’lanish uchun telefonlar:**
+998998818698

**TOSHKENT-2024**

**Tahririyat Kengashi raisi:**
**(Chairman of the Editorial Board)**

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:**
**(Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d.. prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.d., (DSc), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**
**(Community Council members)**

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Xeynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziiya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich

+99899 881-86-98
Tashkent, Uzbekistan
ilmiymaktab@gmail.com
www.laboreconomics.uz

## MUNDARIJA (CONTENTS)


### MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI

| | | |
|---|---|---|
| **S.B.G'oyipnazarov A.B.Xayitov G.F.Abdumalikova** | *Labor market transformations in developing countries* ................................................ | 5-23 |
| **B.E.Mamaraximov** | *Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish va yoshlar bandligini ta'minlashning davlat siyosati* .................. | 24-29 |
| **J.D.Jo'rayev** | *O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotda aholining ish bilan bandligini ta'minlash* ........................................ | 30-37 |
| **T.T.Xalikov** | *Raqamli iqtsodiyot sharoitida bitiruvchilarni bandligini ta'milash tizimining matematik modelini optimallashtirish* ........................................................ | 38-45 |
| **T.T.Xalikov** | *Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ish bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish* ........................................... | 46-51 |
| **F.X.Mamatova** | *Barqaror iqtisodiy o'sishda mehnat unumdorligini oshirish yo'llari* ........................................................ | 52-62 |

### INSON KAPITALI

| | | |
|---|---|---|
| **K.X.Abduraxmonov S.S.Ismoilov** | *Роль стратегических инвестиций в развитие человеческого капитала в условиях цифровой трансформации банковской системы Узбекистана* ........................................................ | 63-74 |
| **S.B.G'oyipnazarov T.N.Azimov** | *Inson kapitalini raqamli rivojlanish holatini baholashning uslubiy asoslari* ........................................ | 75-88 |

### INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

| | | |
|---|---|---|
| **G.Q.Abduraxmonova M.Sh.Xaydarova** | *Davlat korxonalarida inson resurslarini rivojlantirishga ta'sir etuvchi omillarni aralash usul yordamida baholash* .................................................... | 89-110 |
| **U.X.Abdukarimov** | *Davlat fuqarolik xizmatchilarining salohiyatini rivojlantirish: yangi davr talabi va imkoniyatlari* ...... | 111-120 |
| **M.A.Qayumova** | *Strategies for enhancing faculty motivation: evidence-based practices for higher education institutions* ............................................................. | 121-131 |
| **X.A.Ortiqov G.X.Anvarova** | *Muassasalarda yil o'rtasida shtat jadvaliga o'zgartirish kiritish tartibi* ........................................ | 132-138 |
| **M.A.Yusupova** | *Bank sohasida sun'iy intellektni integratsiya qilish orqali mehnat tashkilotini transformatsiya qilish* ....... | 139-152 |

## TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

| | | |
|---|---|---|
| **Z.Dj.Adilova B.K.Kusekeyev** | *Qoraqalpog'iston Respublikasida turizmni rivojlantirish istiqbollari …………………………………………* | 153-162 |
| **B.Z.Arzimatov** | *Привлечения инвестиций в сферу туризма в Узбекистане: тенденции и события ……………………* | 163-170 |
| **N.O.Jumaniyozov** | *Mintaqalararo iqtisodiy integratsiyaning O'zbekiston iqtisodiyotiga ta'siri ……………………………..* | 171-180 |
| **K.J.Sodiqxo'jayev** | *Moliyaviy resurslar defitsiti sharoitida xo'jalik yurituvchi subyektlarni samarali boshqaruv strategiyasini takomillashtirish ……………………………* | 181-187 |
| **N.S.Yuldashev** | *O'zbekiston iqtisodiyotining barqaror taraqqiyotiga xorijiy investitsiyalar ta'siri …………………………………..* | 188-195 |

MEHNAT IQTISODIYOTI
VA INSON KAPITALI
ISSN: 3030-3117
https://laboreconomics.uz/



# МУАССАСАЛАРДА ЙИЛ ЎРТАСИДА ШТАТ ЖАДВАЛИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

**Ортиқов Хамароқул Абдумажидович**
Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникумининг
Молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти
h.ortiqov83@gmail.com
**Анварова Гузал Хусан қизи**
Абу Али ибн Сино номидаги
ихтисослаштирилган мактаб хисобчиси
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси магистранти

**DOI:** https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a111

**Аннотация.** Ушбу мақолада хусусан, бугунги кундаги иқтисодиётдаги ислоҳотлар, иқтисодиётни янада ривожлантиришда, ундаги камчилик ва муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш, хусусан профессионал таълим муассасаларда йил ўртасида штат жадвалига ўзгартириш киритиш тартибларини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда бугунги кунда иқтисодиётини ривожлантиришдаги олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида янги УзАСБО2 дастурини ишга туширилганлиги унда бугунги кунда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар замонавий электрон тизимдан фойдаланилиб ушбу дастурнинг янги шаклида бугунги замон талабига мослаштириш заруратидан келиб чиқиб 15-илова ҳам электрон шакли яратилганлиги сабабли ушбу дастурда яратилиб тасдиқлашга юборилиш жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.

**Таянч сўзлар:** иқтисодиёт, профессионал таълим, намунавий штат, УзАСБО2 дастури, қонунлар, 15-илова, Меҳнат кодекси, меҳнат шартномаси, қарор ва унинг таҳлили, Иш берувчи, буйруқ.

# ПОРЯДОК ВНЕСЕНИЯ ИЗМЕНЕНИЙ В ШТАТНОЕ РАСПИСАНИЕ УЧРЕЖДЕНИЙ В СЕРЕДИНЕ ГОДА

**Ортиқов Хамароқул Абдумажидович**
Заместитель директора по финансово-экономическим вопросам
Ташкентского техникума экономики и промышленности,
магистрант Банково-финансовой академии Республики Узбекистан
**Анварова Гузал Хусан кизи**
Бухгалтер специализированной школы имени Абу Али ибн Сино
Студентка магистратуры Академии банковского дела
и финансов Республики Узбекистан

**Аннотация**. В данной статье рассматриваются современные реформы в экономике, изучение недостатков и проблем, их устранение, а также усовершенствование порядка внесения изменений в штатное расписание в профессиональных учебных заведениях в середине года. Обсуждается рост экономики и внедрение новой программы УзАСБО2, запущенной в результате проводимых реформ. В связи с необходимостью адаптации новой формы программы к современным требованиям бюджетные организации используют современные электронные системы, что обусловливает создание электронной формы приложения 15. В статье подробно рассматривается процесс разработки и утверждения данного приложения.

**Ключевые слова**: Экономика, Профессиональное образование, типовое штатное расписание, программа УзАСБО2, законы, приложение 15, Кодекс о труде, трудовой договор, постановление и его анализ, Работодатель, приказ.

## PROCEDURE FOR MAKING CHANGES TO THE STAFF SCHEDULE IN INSTITUTIONS MID-YEAR

**Ortiqov Khamarokul Abdumajidovich**
Deputy Director for Financial and Economic Affairs,
Tashkent Technicum of Economics and Industry,
Master's Student at the Bank-Financial Academy
of the Republic of Uzbekistan
**Anvarova Guzal Khusan kizi**
Accountant at the specialized school named after Abu Ali ibn Sina
Master's student at the Academy of Banking
and Finance of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article discusses the current economic reforms aimed at further developing the economy, analyzing existing shortcomings and problems, and addressing them. It focuses particularly on improving the procedures for making changes to the staff schedule in professional educational institutions mid-year. The article highlights the implementation of the new UzASBO2 program as a result of ongoing reforms aimed at economic growth. It is emphasized that modern budget-funded organizations are utilizing contemporary electronic systems, which necessitates the adaptation of this program to current demands. Additionally, the creation of an electronic form of Appendix 15 has been developed for this purpose. The article provides a detailed overview of the process of its creation and approval.

**Keywords:** Economy, Professional Education, Standard Staff Schedule, UzASBO2 Program, Laws, Appendix 15, Labor Code, Employment Contract, Resolution and its Analysis, Employer, Order.

### Кириш

Мазкур мақолада бугунги кунда бюджет иқтисодиётидаги баъзи муаммолар ва ислоҳотлар иқтисодиётни янада ривожлантиришда ундаги камчилик ҳамда муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш хусусан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3 сонли Қарор ва унинг таҳлили юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифаларни бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар замонавий электрон тизимдан фойдаланилиб ушбу дастурнинг янги шаклида

бугунги замон талабига мослаштириш заруратидан келиб чиқиб 15-илова ҳам электрон шакли яратилганлиги сабабли ушбу дастурда яратилиб тасдиқлашга юборилиш жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.

Дарҳақиқат УзАСБО2 дастури барча бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар учун фойдаланилиб ушбу дастурнинг янги шаклида бухгалтерия ҳисоби юритилиши такомиллаштирилиб тўлиқ электронлаштирилганлиги бу эса иш жараёнини сифатли ва тезлаштирилишига ҳамда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйилмаслиги аниқликда ишлашини таъминлайди ва бизга қимматли бўлган вақтни тежашда ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётдаги ислоҳотлар янгиликлар, бюджет иқтисодиётни янада ривожлантиришда, ундаги камчилик, муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш, хусусан профессионал таълим муассасаларда йил ўртасида штат жадвалига ўзгартириш киритиш тартибларини такомиллаштириш, бюджет иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда бугунги кунда бюджет иқтисодиётини ривожлатиришдаги олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида янги УзАСБО2 дастурини ишга туширилганлиги унда бугунги кунда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар замонавий электрон тизимдан фойдаланилиб ушбу дастурнинг янги шаклида бугунги замон талабига мослаштириш заруратидан келиб чиқиб 15-илова ҳам электрон шакли яратилганлиги сабабли ушбу дастурда яратилиб тасдиқлашга юборилиш жараёнини батафсил кўриб чиқамиз.[1]

*Маълумот учун: УзАСБО – бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.*

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.**

Янги УзАСБО2 дастурини ишга туширилганлиги унда бугунги кунда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар замонавий электрон тизимдан фойдаланилиб ушбу дастурнинг янги шаклида бугунги замон талабига мослаштириш заруратидан келиб чиқиб 15-илова ҳам электрон шакли яратилганлиги сабабли ушбу дастурда яратилиб тасдиқлашга юборилиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3 сонли Қарор ва унинг таҳлили юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифани кўриб чиқамиз. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони ҳамда

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-I-сонли қонуни юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-

коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 200-сонли қарори, ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-594-сонли қарорлари юзасидан сўз юритилади.

**Таҳлил ва натижалар**

Бюджет ташкилотлари учун 2002–2003 йилларда яратилган «Давлат бюджетидаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш» дастурий мажмуаси Молия вазирлиги тизимидаги бир неча бўлимларда тажриба тариқасида қўлланилиши дастлабки ижобий натижа берди, молиявий ҳисоб-китобларнинг сифати анча яхшиланди ва тезлашди. Ушбу дастурларни кузатиш ишларига кетадиган харажатлар ҳам анча камайди ва натижада 2003 йилдан вазирлик қарори билан ушбу дастурлар мажмуаси тизимдаги барча минтақавий бўлимларга жорий қилинди. Оқибатда эса Молия вазирлиги бўйича ҳар ой топширилиши зарур бўлган бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни электрон почта орқали қабул қилиш ва Ахборот ҳисоблаш марказида тезлик билан қайта ишлаш имконияти туғилди. Барча бюджет ташкилотлари учун давлат бюджети молиявий кўрсаткичларини стандартлаштириш ва унификация қилиш, ҳисобот ва бошқа кўрсаткичларни бир хил кўринишга келтириш орқали ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг сифати кескин яхшиланди. Ушбу дастурий мажмуанинг жорий этилиши натижасида молия бўлимларининг ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисоботларини ўз вақтида топширишлари сифати яхшиланиши туфайли бир қанча минтақавий бўлимларнинг бош ҳисобчиларининг ҳар ойда  Тошкентдаги Молия вазирлигига хизмат сафарига келиб ҳисобот топширишларига эҳтиёж қолмади, уларга ҳар ойга сарфланиши зарур бўлган меҳмонхона, кунлик пул, йўл пули ва ҳоказо харажатлар ва бизга енг қимматли бўлган вақтимиз  тежалди. Бу эса тармоқ бўйича сезиларли самара келтирди. Лекин дастур локал (тизимга боғланмаган ҳолда) ҳолда ишланган бўлиб, унинг ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд эди. Масалан, дастурга янги киритилган ўзгаришлар унга ўз вақтида киритилмай қолар ва оқибатда турли англашилмовчиликларга олиб келар эди. Шунинг учун 2010-2011 йилларда дастурий мажмуа янада такомиллаштирилиб ва ривожлантирилиб борилди ҳамда унинг марказлашган версияси яратилди.[2]

Дастлабки вақтда бу дастурдан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ташкилотлари фойдаланган. Ҳозирги кунда эса «УзАСБО» дастуридан Қорақалпоғистон Республикасидаги бюджет ташкилотлари ҳам тўлиқ фойдаланмоқда.

УзАСБО2 дастури Ўзбекистондаги барча бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун амалга оширилади. Ушбу

дастур асосан давлат муассасалари, таълим муассасалари ва бошқа бюджет ташкилотлари учун мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сабаби бюджет ташкилотларида кун сайин қайта ишланиши лозим бўлган ахборот миқдори ортиб бормоқда ва иқтисодиёт тараққиёти бу ахборотни қайта ишлашнинг мураккаблашиб боришига олиб келмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистонда автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуасини жорий қилиш ва янада ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди ва мунтазам такомиллаштирилиб бормоқда. [3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация

технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли қарори Молия вазирлиги тизимида алоҳида дастур қабул қилиниши ва ахборотлаштириш тизимининг янада кенг ривожланишига асос бўлди. [4]

Амалиётда баъзи қарор ва қонунларни ўзгариши ёки корхоналарни тузилмалари ўзгариши натижасида йилнинг ўзгариш бўлган ойидан штат жадвалга ўзгартириш киритишга зарурат туғилиши натижасида 15-илова тузилиб молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридаги 15-иловани янги  УзАСБО2 дастури тузилиши ва юқори турувчи ташкилотга юборилиш жараёнини атрофлича ёритиб ўтамиз. Бунинг учун биз ўз логин ва паролимиз билан УзАСБО2 дастурига кириб асосий ойнадан;  Маълумотлар >Кадрлар ҳисоби маълумотлари >Штатлар жадвалига ўзгартириш киритиш (15-илова) бўлимига кириб ундан штат жадвалига ўзгартириш киритилаётган шахсий ғазна ҳисоб рақам танланиб >қўшиш тугмаси орқали 15-иловани яратиб оламиз. Шундан сўнг тартиб рақамни дастур ўзи автоматик тарзда яратади биз санасини тўғрилаганимиздан кейин “Олиб ташланаётган лавозимлар” бўлимидан қисқартирилиши керак бўлган бўлим танланиб >Лавозимдан керакли лавозим танлаб олинади Сони дастурда 1-бўлиб туради буни биз қисқартирилаётган штат бирлиги қанча бўлса ўшанга ўзгартирамиз (масалан 0.5, 0.75, 1, 1.25,1.5, 2 в.ҳ.к) шундан кейин эьтибор қаратишимиз керак бўлган жиҳати қайси ойдан қисқартирилаётган бўлса шундан йилни охиригача бўлган ойлар >Ойлар  бўлимига киритилиши зарур ушбу штат бирлигини қўшимча тўловлари бўлса уларни %(фоизи) миқдорида тегишли %(фоиз) лари

рақамда қўйиб чиқилгандан сўнг + тугмаси орқали қўшилади. Агарда бир нечта штат бирликлари қисқартирилаётган бўлса юқоридаги жараён қайта бажарилиб кейинги бўлимдаги тегишли штат бирлиги танлаб олиниб киритиб олинади, ушбу жараён билан биргаликда янги лавозим қўшилиши керак бўлган штат бирлиги мавжуд бўлганда бир йўла “янги қўшилаётган лавозимлар” >бўлимидан керакли штат бирликлари тартиб асосида қўшиб олинади. Бунда ҳам қўшилаётган ойдан йилнинг охиригача бўлган ойлар ҳисобланиб ёзилишига эътибор қаратишимиз зарур бўлади (масалан; сентябрь ойидан қисқариш мавжуд бўлса 4 рақами қўйилади яни сентябрь, октябрь, ноябрь, декабр в.ҳ.к). Барча амаллар бажарилиб бўлгандан сўнг сақлаш тугмаси орқали сақланади. Яратилган 15-иловани таҳрирлаш, ўчириш, ўтказиш, ҳужжат тарихи ва чоп этиш имконияти мавжуд. Яратилган ҳужжатимизни тўғрилигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин >ўтказиш тугмаси орқали яратувчи маъсул ходим томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган 15-иловани раҳбар томонидан тасдиқлангандан кейин юқори ташкилотга юбориш тугмаси пайдо бўлади шунга аҳамият берган ҳолда раҳбардан тасдиқлатиб бўлгандан кейингини рўйхатдан ўтказувчи органга юборишимиз мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи ташкилот қабул қилиб тасдиқланда ҳужжат Ҳолати “ Рўйхатга олинган” бўлиб ўзгаришидан сўнг ишчи ходим олишимиз аксинча қисқартирилган ходимларга иш ҳақилари ҳисоблаб бўлмаслигини таъкидлаб ўтамиз.[5]

**Хулоса**

Бу дастур «УзАСБО» – Бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуаси деб номланди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг топшириғи асосида вазирликнинг Ахборот ҳисоблаш маркази томонидан қайтадан яратилди. Бу дастур Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи ва Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқномага (2169- рақамли) асосан ишлаб чиқилган. «УзАСБО» дастури Web-технологияга асосланган бўлиб, маълумотлар марказлашган ҳолда сақланади ва дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади.[5] «УзАСБО» дастури ҳар куни ғазначилик дастури билан маълумотлар алмашиш имкониятига эга. [7] Амалиётда баъзи қарор ва қонунларни ўзгариши ёки корхоналарни тузилмалари ўзгариши натижасида йилнинг ўзгариш бўлган ойидан штат жадвалга ўзгартириш киритишга зарурат туғилиши натижасида 15-илова тузилиб молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3 сонли Қарор ва унинг ижроси юзасидан 15-илова тузилиб молиялаштирувчи орган

томонидан рўйхатдан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Биз ушбу жараён ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-3 сонли Қарор ва унинг таҳлили.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли фармони.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-I-сонли қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 200-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-594-сонли қарори.

6. https://arxiv.uz/uz/documents/slaydlar/iqtisodiyot/uzasbo-byudzhet tashkilotlarida-avtomatlashtirilgan-buhgalteriya-isobi-dasturiy-mazhmuasi.

7. Исмайлов К. Қорақалпоқ давлат университети иқтисод фанлари номзоди, доцент; Исмайлов Т. Қорақалпоқ давлат университети бухгалтери. БЮДЖЕТ ташкилотларида бухгалтерия Ҳисобини юритишда «узасбо» дастурини Қўллашнинг афзалликлари.

# Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali

+998 71 239 28 13
Tashkent, Uzbekistan
ilmiymaktab@gmail.com
www.laboreconomics.uz